

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 11 ноябрь • № 44-45 (857-858)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 62 920 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 123 060 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 62 920 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 123 060 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 75 510 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2011 йил, 3 ноябрь.



**Оқ халат сиз учун кундалик либос,
Касбингизга кўйибсиз мунчалар ихлос.
Дилларда уйғотар хавас, эҳтирос,
Меҳр-мурувватингиз гўзал шифокор.**

**Гоҳида туну кун ололмайсиз дам,
Дардманлар дардига бўлай деб малҳам.
Юртдошлар бахти бўлинг, ёнинг мисли шам,
Кўшдек меҳр нуруннгиз кулсин шифокор.**

АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу муваффақиятларда ҳар бирингизнинг ҳиссангиз каттадир. Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, Сизларни бугунги касбий байрамингиз билан чин дилдан табриклаймиз.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони бўйича соҳада катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, тизимда бирламчи тиббий ёрдамнинг ислоҳ қилиниши ва аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат самарадорлигининг ошиши, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоят филиаллари, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда кўплаб тиббиёт муассасаларининг давр талаби даражасидаги фаолияти бунинг яққол ифодаси бўла олади. Хусусан, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатлари ҳам эътиборга муносибдир. Улар аҳоли орасида даволаш-профилактика чора-тадбирларини кучайтириб, касалликларнинг олдини

олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Соҳанинг қайси бир йўналишига эътибор бермайлик, у ерда албатта, амалий ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасида ҳам кўплаб ижобий фаолиятлар амалга оширилди. Бунинг баробарида, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Перинатал ва Республика она-бола скрининг маркази ҳамда уларнинг вилоят филиаллари аҳоли орасида она ва бола соғлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш сиздек тиббиёт ходимлари кўлида экан, бор билимингиз, маҳоратингиз ҳамда тажрибангизни халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдек олижаноб ишга қаратасиз, деган умиддамиз.

Сизларни яна бир бор касбий байрамингиз билан самимий қутлаб, ўзингизга соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик ишларингизда эса омадлар тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БҲИРУҒИ

2011 йил 8 ноябрь

№ 386

Тошкент шаҳри

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун қуйидагилар «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлансин:

1. Бекатова Зумрад Рахимбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош терапевти
2. Нарбайев Мухамматжан – Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария-гигиена бўлими мудири
3. Туремуратова Зухра Қалбаевна – Қорақалпоғистон Республикаси кардиология диспансери поликлиникаси врач-кардиолог
4. Матъякубова Гулистон – Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани «Сарабий» қишлоқ врачлик пункти врач
5. Тастайбекова Улдай Бексултановна – Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани «А. Мусаев» қишлоқ врачлик пункти мудири
6. Ходжамова Турсунбой – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали фавқулодда вазиятлар бўйича директор ўринбосари
7. Атахажиёв Миркомил Соткинбоевич – Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари
8. Анорбаева Гульнорахон Эркинбоевна – Андижон вилояти Жалакудуқ туман марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими катта ҳамшираси
9. Разақова Саида Аббосовна – Андижон вилояти Бўз туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими врач-терапевти
10. Раҳмонов Рамазон – Бухоро вилояти Қорақўл тумани «Қорақулончи» қишлоқ врачлик пункти мудири
11. Шарипов Пулат Кулиевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали қон қуйиш бўлими мудири
12. Турсунова Марзия Муртазоевна – Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳамшираси
13. Саидмуратова Насиба Султановна – Бухоро вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси 1-терапия бўлими мудири
14. Ҳомидов Мақсуд Амонович – Бухоро вилояти Вобек туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси бўлим мудири
15. Жўраев Убайдулло Нематуллаевич – Бухоро вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлинма мудири
16. Саримсоқов Соҳиб Матлабович – Жиззах вилояти Фориш туман марказий шифохонаси врач-анестезиолог-

реаниматолог

17. Назаров Тоштемир – Жиззах вилояти Арнасой туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими врач-хирурги
18. Абдужаппарова Саодат Тугаловна – Жиззах вилояти Фаллаорол туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси
19. Азизов Улугбек Икромович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали врач-рентгенолог
20. Музаффаров Бахриддин – Жиззах вилояти кўз касалликлари шифохонаси 2-микрочирургия бўлими мудири
21. Сафарова Шоира Холевна – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиали артериал гипертензия бўлим мудири
22. Раҳмонов Раҳматилло Қаршиевич – Қашқадарё вилоят онкология диспансери врач-хирург-онколог
23. Сайфиев Ҳасан – Қашқадарё вилоят тиббий диагностика маркази бош врач
24. Тошпўлатов Эштемир – Қашқадарё вилояти Чироқчи туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач
25. Баимбетова Бостан – Навоий вилояти Конимех туман марказий шифохонаси хирургия бўлими мудири
26. Ботиров Карим Расулович – Навоий вилояти Навоий шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника врач-уролог
27. Ризаев Фозил Маманович – Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими мудири
28. Икромов Уроқ Ҳайитович – «Навоиазот» ОАЖ профилактика бўлими бош врач
29. Нуритдинова Каромат Умаровна – Навоий вилояти Хатирчи туман марказий шифохонаси лаборанти
30. Жўраев Зайниддин – Навоий вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиолог
31. Мансурова Райхон Фазлиевна – Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси
32. Вазиров Шокиржон Собиржонович – Наманган вилояти Чортоқ тумани «Арбағиш» қишлоқ врачлик пункти мудири
33. Ахунов Абдурашид Маматазимович – Наманган вилояти Учкўрғон туман марказий шифохонаси реанимация бўлим мудири
34. Шақаламов Зокиржон Юнусович – Наманган вилояти Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг амбулатория-поликлиника хизмати бўйича ўринбосари
35. Боймирзаева Ҳукмат-

хон Дедамирзаевна – Наманган вилояти «Чортоқ» болалар сихатгоҳи бош ҳамшираси

36. Назаров Сирож Бердиевич – Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария врачлари ёрдамчиси

37. Қаюмов Орзикул – Самарқанд вилояти Ургут туман «Қуйи-Тегана» қишлоқ врачлик пункти мудири

38. Ибрагимов Исмоил Султанович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали терапевтик реанимация бўлими мудири

39. Турсункулова Гулшан Аҳадовна – Самарқанд вилояти Жомбой тумани «Тут» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси

40. Сарсенова Пернеш Бектасовна – Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар марказий шифохонаси суяқликлар тайёрлаш бўлими мудири

41. Нишанов Хатам – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали хирургия бўлими мудири

42. Хатамов Рабимкул Раҳматович – Сирдарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази гигиеник сертификатлаш бўлими мудири

43. Арабова Салима Базаровна – Сурхондарё вилояти Қизирик туман тиббиёт бирлашмаси бош врач

44. Маманазаров Курбан Мамарабнович – Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими мудири

45. Максимкулов Джума Мунинович – Сурхондарё вилоят онкология диспансери бош врач

46. Абдурхмонов Абдулаву Абдухалилович – Тошкент вилояти Оққўрғон туман марказий шифохонаси бош фельдшери

47. Сайдалиева Тамара Артыковна – Тошкент вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош врач

48. Исмаилова Мавлюда Гафуровна – Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси

49. Юлдашева Феруза Иркиновна – Тошкент вилояти 1-болалар сил касалликлари сихатгоҳи бош врач

50. Акбаров Муталибхон Жамолжамович – Фарғона вилоят ташкилий-услубий ишлар ва тиббий статистика бюроси бош врач

51. Бабаева Наталья Мамаджановна – Фарғона вилоят ўсмирлар диспансери врач-офтальмолог

52. Нишанов Эгамберди Раҳманович – Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази оториноларингология бўлими мудири

53. Марахимов Жамолдин Махкамович – Фарғона вилояти Риштон туман марказий шифохонаси врач-анестезиолог-реаниматолог

54. Халилова Мухаёхон Абдурасуловна – Фарғона вилоят

ти Ёзёвон тумани «Сойбўйи» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси

55. Маликов Неъмат Мухторович – Фарғона вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врач

56. Атаева Назирбиби – Хоразм вилоят онкология диспансери поликлиника бўлими врач-онкогинеколог

57. Рузимов Эргашбой Собирович – Хоразм вилоят сил касалликлари санаторийси бош врач

58. Жуманиязов Кудрат Атабаевич – Хоразм вилоят перинатал маркази бош врач ўринбосари

59. Якуббеков Тохирбек Юнусович – Тошкент шаҳар 1-сил касалликлари шифохонаси бош врач

60. Нурметова Равияжон Ниязметовна – Тошкент шаҳар Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг ўринбосари

61. Сухонос Нона Шакировна – Тошкент шаҳар патанатомия бюроси врач-патологоанатом

62. Ашуров Гайрат Иргашевич – Тошкент шаҳар Яққасарой туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси бўлим мудири

63. Алимова Шахзадахон Рашитовна – Тошкент шаҳар 17-оилавий поликлиника бош врач

64. Мусаева Альбина Мушфиқовна – Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим мудири

65. Салиходжаева Рихсиниса Камиловна – Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси

66. Шаисломов Бахтиёр Шабдурахманович – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фармакология кўмитаси раиси

67. Саркисянц Натэлла Отаревна – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фарминспекция етакчи мутахассиси

68. Мирюнов Мирнасыр – 2-Республика клиник шифохонаси бош врач

69. Ходжиметов Хасан Аббасович – Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти

70. Мухамедханова Шахноза Турғуновна – Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўлим бошлиғи

71. Юсупова Дилорам Махаматкаримовна – Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази бош ҳамшираси

72. Гальцова Галина Васильевна – М. Б. Франк номидаги республика врачлик-жисмоний даволаш диспансери врач

73. Боходирова Азиза Абдуллаевна – Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси бўлим мудири

74. Бабакулов Абдукахар Усманович – Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси шошилинч травматология бўлими мудири

75. Урманова Феруза Махаматовна – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси кўз касалликлари бўлими мудири

76. Симченко Михаил Васильевич – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази врач-офтальмолог

77. Ливерко Ирина Владимировна – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлими мудири

78. Ходжаев Ибрахим – Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази умумклиник бўлими врач-дерматовенеролог

79. Халимова Замира Юсуфовна – Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази нейроэндокринология илмий бўлим раҳбари

80. Садықова Гульнора Аббаровна – Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази нафас аъзолари касалликлари бўлими илмий раҳбари

81. Мансурова Людмила Исаковна – Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази врач

82. Абдукадырова Ирина Александровна – Республика нейрохирургия илмий маркази функционал ташхислаш врач

83. Исмаилова Дилорам Толкунновна – Республика ихтисослаштирилган суяк-йиринг хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази катта ҳамшираси

84. Чиркова Вера Александровна – Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабет хасталиги жарроҳлик асоратлари маркази катта ҳамшираси

85. Жугарова Нина Павловна – Республика ОИТСга қарши кураш маркази лаборанти

86. Каюмова Фарида Амановна – Республика наркология маркази физиотерапия бўлим мудири

87. Джаббаров Карим Джаббарович – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хирургия факультети декани

88. Борзова Нина Сергеевна – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти доценти

89. Раҳманова Санобар Собировна – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

90. Мурадов Насретдин Нуритдинович – Республика ўрта тиббиёт ва доришноош ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази директори

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2011 йил 8 ноябрь

№ 386

Тошкент шаҳри

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 2-бетда).

91. Одилова Махсуда – Республика ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Навоий филиали директор ўринбосари

92. Тураходжаева Гульнора Анваровна – Республика ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Андижон филиали директори

93. Артықова Шорапат – 1-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

94. Тураханова Масуда Султановна – «Хамшира» журналі масъул котиби

95. Бабаджанова Вазира Султановна – «Ўзмедэкспорт» Республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси бош ҳисобчиси

96. Джураев Ахрорбек Махмутович – Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти болалар ортопедия бўлими раҳбари

97. Закиров Кадыр Насырович – Академик В. Вохидов

номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази клиникаси бош врачининг ўринбосари

98. Неъматова Зулфия Гулямовна – Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокор ўринбосари

99. Ҳакимов Равшан Нигматуллаевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази травматология бўлими мудири

100. Комилов Хайдар Позитович – Тошкент тиббиёт академияси терапевтик стоматология кафедраси мудири

101. Мағзумов Хамидулла Баширович – Тошкент тиббиёт академияси тиббий-педагогика факультети декани ўринбосари

102. Ўрманова Флюра Фаридовна – Тошкент фармацевтика институти фармакогнозия кафедраси мудири

103. Атанязова Орал Аминовна – Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори

104. Султанова Шахноз Рауфовна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий поликлиника врач-гинеколог

105. Каримова Ортик Зияевна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси «Қибрай» клиник санаторийси врач-оториноларинголог

106. Мусинова Сановар Юсуфовна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий клиник шифохонаси бош врач ўринбосари

107. Алиева Матлюба Маматвалиевна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий поликлиника даволаш бўлими мудири

108. Розыходжаева Гульнора Ахмедовна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий клиник шифохонаси диагностика бўлими мудири

109. Абдуллаев Тимур Атаназарович – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази лаборатория мудири

110. Абдуллаев Абдумуталиб Араббоевич – Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўлим мудири

111. Радюкова Лидия Валентиновна – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказий консултатив-диагностика поликлиникаси лаборатория мудири

112. Мухаммеджонов Махмуд Юсупович – Республика болалар ортопедия маркази бўлим мудири

113. Гельманова Татьяна Ивановна – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази врач-офтальмолог

114. Аллаберганова Нигора Маримовна – Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири

115. Задорожная Оксана Владимировна – Саломатлик ва тиббий статистика институти врач

116. Закирова Лобархон – Саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим бошлиғи

117. Липатова Рабига Фасхутдиновна – Вирусология илмий-текшириш институти клиникаси болалар бўлими катта ҳамшираси

Вазир

118. Вохидов Нуриддин Хикматович – Бухоро давлат тиббиёт институти даволаш факультети декани

119. Шаабдуллаева Нигора Шахсановна – Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси бош врач ўринбосари

120. Сулаймонова Дилора Нагановна – Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти Анемия маркази раҳбари

121. Камилова Дильфуза Нусратуллаевна – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси етакчи ҳуқуқшунос-назоратчиси

122. Шуқуров Бобохон Тураевич – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича бошлиғи

123. Ниязметов Бахтиёр Кадамович – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича бошлиғи

А. ИКРАМОВ.

Шеърят

КАСБИНГИЗ НАҚАДАР БУЮК, МУҚАДДАС

Бу ёруғ дунёга келгандан буён,
Эллик беш баҳорни кўрганим аён.
Касбимни улуглаб яшадим ҳар он,
Байрамингиз кутлуг бўлсин азизлар.

Мустақил юртимнинг йигирма ёши,
Тиббиёт илмидан тоғдир бардоши.
Бошида сўнмагай хурлик кўёши,
Байрамингиз кутлуг бўлсин азизлар.

Минг битта касбнинг дўсти, ҳамроҳи,
Муҳаббат оқшомин ойдек чироғи.
Тиббиёт энг қадим, илм-илоҳий,
Байрамингиз кутлуг бўлсин азизлар.

Сизлар бор орзулар ушалгай бешак,
Сизлар бор оналар айтади эртак.
Илмингиз умрбахш тоабат керак,
Байрамингиз кутлуг бўлсин азизлар.

Мадҳингиз ёзгани ожиз қаламлар,
Қалбингиз бебаҳо ироқи шамлар...
Бир умр соғ бўлинг, тортманг аламлар,
Байрамингиз кутлуг бўлсин азизлар.

Тиббиёт илмисиз зар қадри бўлмас,
Мол-дунё, тожу тахт кўзга кўринмас.
Касбингиз нақадар буюк, муқаддас,
Байрамингиз кутлуг бўлсин азизлар.

Рустам АБДУЛҲАМИД,
Андижон вилояти, шифокор.



Тадбир

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тиббиёт ходимлари куни арафасида Янгиқўрғон тумани Маданият саройида «Тарғиботчи ҳамшира» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлар Саломатлик марказларида фаолият юритаётган ўрта тиббиёт ходимлари маҳорат ва истеъдод, билимдонлик ва топқирлик бобида ўзаро беллашдилар.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш ва турли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунчаларни бойитиш саҳнага чиққан беш нафар қатнашчининг асосий вазифасидир. Тўрақўрғонлик Муҳаббат Аҳмадалиева, чортоқлик Мадина Мамадалиева, уйчилик Муҳайё Зиётова, янгиқўрғонлик Нилуфар Сулаймонова ва чуствлик Саида Худойназаровалар Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган филиали томонидан илк бора ташкилланган кўрик-танловнинг худудий босқичлари голиби сифатида вилоят босқичига йўлланма олишган эди.

Биринчи шарт баҳслариданоқ кимнинг нимага кодирлиги яққол намён бўла бошлади. М. Аҳмадалиева «Ҳамшира ташрифи» ни шеърӣ тарзда ифодалади. Бошқа қизлар ҳам шу услубни танлашган экан. Сўзамоллик, оммани ўзига ром этишда Н. Сулаймонованинг рақибларидан устунлиги сезилиб турди.

М. Аҳмадалиева, М. Мамадалиева ва Н. Сулаймоновалар ўз касбларининг сир-асрорларинидан тўла воқифликларини, турли касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи тамойилларидан қанчалар бохабар эканликларини намойиш этишди, назарий билимлар синови чоғида.

Бадий қисм эса гоёт қизиқарли ва таъсирчан чиқишлар кўригига айланди. Иштирокчилар ижросидаги рақс ва кўшиқлар, шеърхонлик ва сахнавий кўринишлар томошабинлар диққатини ўзига тортганлиги бежис эмас. Айниқса Уйчи тумани Саломатлик маркази вакиласи Муҳайё Зиётова томонидан талқин этилган сахнавий чиқиш долзарб мавзу – қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг аянчли оқибатларини гавдалантирганга кўпчилиكنинг кўзида

Кўрик-танлов ниҳоясида голиб ва совриндорларга Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган филиали таъсис этган фахрий ёрлик ва эсдалик совгаларини филиал директори Ирода Мусаева топширди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Чортоқ тумани бўлими раисаси Ҳабиба Мирабдуллаева ҳам бошланган хайрли ҳаракат келажакда ижобий натижалар беришини таъкидлади ва барча қатнашчиларга тухфалар тақдим этди.

Абдулла ҲОЗИЕВ.

Эътибор ва эътироф

ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ: ИНСОН САЛОМАТЛИГИ
ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Фахр билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда республика тиббиёт тизимида ютуқли ишлар амалга оширилиб, аҳолига, қолаверса, соҳа мутахассисларига давлатимиз томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу албатта, Юртбошимизнинг инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлида қилаётган эзгу ишларининг сарчасидир. Шу ўринда айтишим жоизки, Президентимизнинг мамлакатимизда ҳар бир соҳа фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бора-

ётган одилона сиёсатлари барчамизни янада масъулият ҳамда касбимизга садоқат билан ишлашга ундамоқда. Жумладан, касба уюшмалари фаолиятига қаратаётган эътиборлари бундан мустасно эмас. Шундай экан, мазкур соҳада фуқаролар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш эзгу мақсадларимиздан бири экан, республика соғлиқни сақлаш касба уюшмаси Марказий Кенгаши ходимлари ҳам бу борада саховатли ишларни амалга ошириб келмоқда.



Таъкидлашим муҳимки, Марказий кенгашимиз ўз иш фаолиятини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касба уюшмаси V Қурултой қарорлари, "Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига бирлашган касба уюшмаларининг фуқаролик жамияти барпо этиш шароитидаги Ҳаракат дастури", касба уюшмасининг тармоқ Устави ва Марказий кенгашининг 2011 йил 11 февралдаги раёсат қарори билан тасдиқланган иш режаси

тимойи аҳамиятга эга бўлган ташаббуслари ва изланишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда касба уюшма ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида бошланғич касба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди. Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда, меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш, дам олдиришда юқори кўрсаткичларга эришган куйидаги бошланғич касба уюшмалари

димлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг пул мукофоти, фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тиббиёт ходимлари, қолаверса, уларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, республика йирик тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар фарзандларининг ёзги таътил даврида соғломлаштириш оромгоҳларида соғлиқларини мустаҳкамлаш, дам олишларини ташкил этиш мақсадида Марказий кенгаш томонидан 60 дона бепул йўлланмалар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПҚ-1144-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Умид гулшани санаторийси" МЧЖда 2011 йил 16-22 май кунлари бир ҳафта давомда фертил ёшдаги 70 нафар аёл Марказий кенгашимиз томонидан бепул соғломлашти-

рацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда эркаклар ўртасида шахмат ва аёллар ўртасида сузиш бўйича «Саломатлик» спорт мусобақалари ўтказилди.

Эътироф билан айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида ҳар йилги аънамага айланган турли тадбирларнинг, айниқса, кўрик-танловларнинг ўтказиб келинаётганлиги ҳам соҳа мутахассисларининг меҳнатига бўлган эътибор қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб келмоқда. Шундай экан, жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси", "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори", "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси" кўрик-танловини ўтказиб, голибликни қўлга киритган совриндорларни муносиб тақдирладик.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси ташкилотлари томонидан жорий йил-

йўқотган оилаларнинг фарзандларидан 1836 нафарига ўқув куруллари, дарсликлар олиб берилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 243 нафар ёш оналарга 7985,0 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунлари узайтирилиб, бунинг учун 15009,2 сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Устоз-шогирд» аънасининг жорий этилиши борасидаги ишларда Федерацияга аъзо ташкилотлар ва улар қошидаги Ёшлар кенгашларининг фаолиятларини янада кучайтириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда касб-хунар коллежларини битирувчи ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, бу борада уларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш юзасидан ҳуқуқий соҳа вакиллари ва тегишли мутахассислар билан биргаликда давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиб борилмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчилари, коллеж раҳбарияти ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган 3 томонлама шартнома асосида ишга жойлаштиришда касба уюшмалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, Наманган вилоятида 140 нафар, Фарғона вилоятида 430 нафар, Самарқанд вилоятида 55 нафар, Навоий вилоятида 949 нафар ёшларни "Устоз-шогирд" аънаси бўйича ишга жойлаштиришга эришилди.



асосида олиб боради. Кенгашимизда бошланғич ташкилотлар сони 1767 тани ташкил этади. Улардан 1334 таси касба уюшма кўмиталари, 433 таси касба уюшма ташкилотчиларидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишунинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлиб, бу соғлиқни сақлаш ва касба уюшма ташкилотлари раҳбарларидан фикр доираларини кенг, ўз соҳасини яхши ва чуқур билиши, ҳуқуқий маданияти ҳамда билими мукамал бўлиши, ижтимоий шерикчилик асосида иш олиб бора олишини талаб қилади. Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Соғлиқни сақлаш ташкил қилиш, бошқариш ва иқтисодиёти кафедрасида малакасини ошираётган тиббиёт муассасалари раҳбарларига жорий йилнинг ҳар ойида касба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари тўғрисида 6 соатлик ўқув-семинарлар ташкил этилиб борилмоқда. Шунингдек, бошланғич касба уюшма ташкилотлари фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйишда юқори кўрсаткичларга эришаётган, ўз олдига қўйилган вазифаларнинг барча йўналишлари бўйича турли лойиҳаларни амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган тузилмаларни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, иж-

ташкилотлари кўрик-танлов голиби деб топилди, улардан: Хоразм вилояти Хонқа ТТБ касба уюшма кўмитаси 1-ўрин, Сурхондарё вилояти Бойсун ТТБ Саросиё ҚВП касба уюшма кўмитаси 2-ўрин, Бухоро вилояти Фиждувон ТТБ касба уюшма кўмитаси 3-ўринни эгаллади. 1-ўринни эгаллаган Хоразм вилояти Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси хужжатлари республика босқичида қатнашиш учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашига тақдим этилди ва Федерация кенгаши комиссияси томонидан 1-ўринга лойиқ деб топилди, компьютер, принтер ҳамда республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридидаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида маънавий ва маърифат ишлари самарадорлигини ошириш, миллий истиқлол ғояларини тармоқ ходимлари, аввало ёшлар онгига сингдиришга қаратилган тарбиявий ишларни ҳаётга татиқ этиш, Ватанга муҳаббат, садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий кенгаш ҳамкорликда тиббиёт ходимлари кунига бағишлаб соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида "Уч авлод" учрашуви тадбири ташкил этиш режалаштирилган.

Бу йилги пахта-ийғим теримида фаол иштирок этган Тошкент вилоятининг Бўка ва Қуйи Чирчиқ туманларида юз нафарга яқин республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларининг ходимлари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш хо-



рилди.

Марказий кенгашимиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса ёшлар ва аёллар ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш, уларни спорт мусобақаларига жалб қилиб, бу борада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда тармоқ бўйича 192 та спорт майдончаси мавжуд бўлиб, унда тиббиёт ходимларимиз мунтазам иштирок этиб келмоқдалар. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимларининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган I Республика мини-футбол бўйича турнири 2011 йилнинг май ойида Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Бўстон" санаторийсида ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касба уюшмалари Феде-

нинг 9 ой мобайнида ёлғиз кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг 141 нафарига касба уюшма маблағлари ҳисобидан 6173,6 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ касба уюшма ташкилотлари томонидан касба уюшма аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тармоққа алоқадор кам таъминланган, боқувчисини

Хулоса сифатида айтишим жоизки, юқорида тилга олиб ўтган фаолиятлар замиридаги эзгу ишларимиз инсон учун ва унинг манфаатлари ҳамда турмуш фаровонлиги йўлида экан, бу борадаги ҳамкорлигимиз янада бардавом бўлиб, давр талаб қилганидек, жамиятимиз тараққиёти йўлида астойдил хизмат қилишга тайёرمиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимиз саломатлиги йўлида фидойи меҳнат қилиб келаётган тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлаб, уларнинг шарафли, машаққатли ҳамда масъулиятли ишларида омадлар ёр бўлишини истаб қоламиз.

Бахтиёр МАХМАДАЛИЕВ,
Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси.

Тиббиётимиз дарғалари

ИСМИ АЗИЗ ВА ТАБАРРУК ИНСОН



Ўтган XX асрнинг эллигинчи йиллари. Оиламиз Тошкент вилояти, Оҳангарон туманининг Облик қишлоғида истиқомат қиларди. Отам Абдурафик Раҳмон ўша ердаги кичик бир дорихона мудир бўлиб, ён-атрофимиздаги тиббиёт муассасаларидаги ходимлар билан ҳамкорлигимиз яхши эди. Улар жумласига ҳозир раҳматли бўлиб кетган Холик Ғафуров, Ҳожи Ҳақимов, Назир Мусаев, Абдулла Олтибоев, Қосим Неъматов, Абдувоҳид Раҳмонов, Назрулла Муҳторов, Анна Белоусова, Лизахоним, АбдуҲамид Давлатов ва бошқаларни киритиш мумкин. Ўз ўрнида айтиш жоизки, юқорида номлари тилга олинганлар касбига садоқат билан ёндашиб, халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган инсонлардир. Хуллас, ўша йиллари қишлоқ касалхонаси бош шифокори лавозимига 30 ёшлар атрофидаги қадди-қомати келишган, баланд бўйли, хушбичим йигит тайинланди. У ёш бўлишига қарамай, қатъиятли, талабчан, билимдон Ҳалил Абдуллаевич Жалилов эди. Қисқа фурсатда у ўзининг меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги ва ташаббус-

корлиги билан жамоа орасида ҳурмат қозонди. Унинг касбига бўлган иштиёқи ва билимга чанқоқлигини кўрган раҳбарият Ҳалил Жалиловни туман марказий касалхонаси бошлиғи лавозимига тайинлади.

Бу орада мен ҳам улғайиб, аввал ўрта мактаб, сўнгра Тошкент тиббиёт институтини тугатдим, узоқ муддатли ҳарбий хизматга сафарбар этилдим. Деярли чорак асрдан зиёд умрим оилам билан она юртимдан олисларда ўтди. Ниҳоят, ёшим элликка тўлиб, белгиланган хизмат муддатини ўтагач, тиббий хизмат подполковниги унвонида истеъфога чиқдим. Тақдирни қарангки, ўзимга муносиб иш қидириб Республика касабга уюшмаларига қарашли "Турон" сиҳатгоҳига борсам, тасодифан эски танишимни кўриб қолдим. Унинг ёши олтимышдан ошган бўлишига қарамай, анча тетик, зийрак, фақат қалин сочлари қордай оппоқ эди, холос. Мен уни бир кўришимдаёқ таниган бўлсам-да, одоб нуқтаи назаридан ўзимни танитмадим, саволларига қисқа ва лўнда жавоб қайтардим. Суҳбатимиздан сўнг икки ойлик синов муддати билан сиҳатгоҳ ошхонасига парҳез таом мутахассиси, яъни диет-врач қилиб тайинландим. Табиийки, баъзан иш юзасидан бош шифокор билан жиддий тўқнашув, тортишув ва баҳсларга ҳам боришимга тўғри келди. Ўзаро муносабатларимиз тобора яхшиланиб, мустақамлана борди. Чунки мен бош шифокорнинг ишончини оқлаб, унинг яқин ҳамкори, маслакдошига айландим. Бу вақт мобайнида эски танишимнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан яқиндан танишишда давом этдим, у билан бирга ишлаган одамлар суҳбатида бўлдим.

Фидойи инсон фаолияти давомида Тошкент вилояти соғ-

лиқни сақлаш бўлими мудир, Республика халқ назорати кўмитаси раиси, Соғлиқни сақлаш вазири муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, шунингдек, Республика касабга уюшмалари санаторий ва курортлар бошқармасига раҳбарлик қилиб, кўплаб самарали ишларни амалга оширган экан. Ҳалил Жалилов меҳнат қилган даврларга назар ташласак, у киши фаолият юритган «Турон» санаторийсида дам олувчилар учун яратилган қулай шарт-шароитлардан барча хур-

ларни амалга оширишда фаол иштирок этган. Айниқса, унинг 1966 йили салкам олти ой мобайнида узлуксиз давом этган Тошкент зилзиласи пайтидаги жонбозлиги, ташкилотчилик салоҳияти диққатга сазовордир. Бунинг баробарида, шаҳардаги асосий тураржой, маданий-маиший иншоотлар, вақтинчалик, мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасаларининг қисман ёки бутунлай яроқсиз, хавф-хатарли ҳолатда қолганлиги, санитар-эпидемиологик вазият ниҳоятда жиддий-

воланишини ташкил этиш, шунингдек, ишга яроқсиз ўнлаб тиббиёт муассасаларини ихтисослаштирилган, мослаштирилган мактаб-интернатлар, қулай биноларга кўчириш ҳам осон кечмаган албатта. Эл-юрт олдидаги мана шудай камтарона хизматлари эвазига Ҳалил Абдуллаевич Жалилов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Энг муҳими, соғлиқни сақлаш тизимида унинг раҳбарлиги остида ишлаган ходимлар катта-кичик давраларда Ҳалил Жалиловнинг ниҳоятда талабчан, ташаббускорлиги, моҳир ташкилотчилик қобилиятига юсак баҳо бериб, унинг исми Ҳалил эмас, балки Ҳалол деб аташади.

Таъбир жоиз бўлса айтиш муҳимки, Ҳалил Жалилов Иккинчи жаҳон урушида ҳам иштирок этиб, қанчадан-қанча ярадорларни жанггоҳлардан олиб чиқди ва уларга тиббий ёрдам кўрсатди. Ҳа, устоз ҳақида қанчалар тўлқинланиб ёзсақ-да, озлик қилади. Чунки ажойиб инсон ҳаётида бундай ибратли воқеа-ҳодисалар анчагина. Ҳозирги кунда табаррук тўқсон ёш билан тўқнашиб, юз билан юзлашиш умидида шукроналикда яшаётган, ҳамон давраларнинг файзи ва кўрки бўлиб, тетик ва бардам юрган бу нуроний отахоннинг юраги кучгайратга тўла, ҳаёлини ҳанузгача янги-янги ғоялар, ташаббуслар тарқ этмаган.

Ҳаётда нияти фақат эзгулик, амали яхшилик, элда исми азиз ва табаррук бу инсонга умрингиз узун, ризқингиз бутун бўлсин Ҳалил Абдуллаевич, яна кўп йиллар Сизнинг дуоингизни олиб яшаш биз шогирдларингизга ҳам насиб этаверсин, деймиз!

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси.



санд ва миннатдор эди. Яна шу нарсага амин бўлдимки, Ҳалил Жалилов соғлиқни сақлаш тизимида оилавий поликлиникалар ташкил қилиш, шифохона ва поликлиникаларни бирлаштириш, аҳолига тез тиббий ёрдам хизматини тубдан ўзгартириш, диет-релиефининг бой табиати, бетакорор клими, табиий шифо омилларидан кенг ва самарали фойдаланиб, сиҳатгоҳлар сонини кўпайтириш, янги, замонавий, қулай шароитлар мавжуд бўлган даволаш-профилактика иншоотлари қуриш каби кўплаб новаторлик таклифларини киритиб,

лашгани, аҳоли соғлиқини сақлаш ва мустақамлаш, уни тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, жойларда тозалик, озодалик, саранжом-саришталик ишларини жорий этиш, ёзги мавсумда минглаб болаларнинг оромгоҳларда дам олиши ва да-

Шундай бир касб борки...

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТЛАР ОРТИДАГИ ФИДОЙИЛИК

Ҳар бир соҳада шундай касб эгалари бўладики, уларнинг ишлари бир қарашда кўзга ташланмайди, тиббиётга дахлдор бу касб эгаларининг ишлари қанчалик машаққатли эканлигини тасаввур қилиш қийин. Бу — эпидемиолог касбидир.

Иш фаолияти даврида даволоччи врач бир нечта беморнинг дардига малҳам бўлиб, уларни хасталиклардан фориғ этса, эпидемиолог ўз касб маҳоратини ишга солиб, минг-минглаб кишиларни турли хил юқумли касалликларга қалинишдан асрайди. Аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиш сабабларини ўрганиш ҳамда ушбу касалликларнинг олдини олиш ишлари билан шуғулланиш эпидемиологлар зиммасига юклатилган. Эпидемиологлар аҳолининг саломатлиги муҳофазаси йўлида машаққат билан меҳнат қилиб, улар баъзида юқумли касалликлар, ҳаттоки ўта хавfli юқумли касалликлар ўчоғига бориб, ҳатто ўз ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб, ўз касбларига садоқат билан ёндашадилар. Бу касб эгаларининг фаолияти икки йўналишда олиб борилди, **биринчиси**, юқумли касалликларнинг келиб чиқишининг олдини олиш

бўлса, **иккинчиси**, қайд этилган юқумли касалликлар ўчоқларида эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш ҳамда ушбу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишдир.

Эпидемиолог асосан санитария-эпидемиология хизматида фаолият кўрсатаётган касб эгаларидан биридир. Эпидемиологик касби ундан меҳнатсеварлик, билимдонлик, ташкилотчилик, тиришқоқлик, изланувчанлик, ҳақиқатгўйлик, матонат ва фидойиликни талаб этади. Шу фазилатларни ўзида мужассам этган эпидемиологга ҳақиқий эпидемиолог бўла олиши мумкин...

Тиббиётнинг, жумладан, эпидемиолог-мутахассис ва олимларнинг кўрсатган фидойи ишлари эвазига жуда кўп юқумли касалликлар орқага чекинган, айримлари қайд этилмаган. Иммунопрофилактика бўйича оқилана олиб борилган фаолиятлар натижасида бир пайтлар

миллионлаб одамлар ёстигини қуритган чин чечак, полиомиелит ва бир қатор бошқа юқумли касалликлар батамом бартараф этилди. Ҳозирги кунда қизамик, қизилча, безгак касалликларини бутунлай бартараф этиш юзасидан кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Давлатимизда болалар қатор юқумли касалликларга қарши режалар равишда эмлаб келинмоқда. Бундан ташқари, дунёдаги эпидемик вазиятдан келиб чиққан ҳолда республикада оммавий эмлаш кунлари, шунингдек, эпидемиологик кўрсатмалар бўйича ҳам эмлаш ишлари амалга оширилади. Бугунги кунда республикамиз ҳудудига четдан юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Республикада юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлашда мазкур шарафли касб эгаларининг роли беқиёсдир.

Шу ўринда, юқоридаги ютуқларга эришишда 30-50 йил давомида жонқуярлик билан ишлаб, бугунги кунда шогирдларига катта мактаб қолдириб кет-



ган устозларимизни ҳам тилга олишни жоиз деб билдим. Устозларининг аъналарини давом эттириб келаётган эпидемиологлар ва ҳамкасбларимни тиббиёт ходимларининг касб байрами билан чин дилдан табриклайман, уларнинг машаққатли, айни пайтда шарафли бўлган эзгу ишларида улкан зафарлар тилайман.

Ҳусан САПАРОВ,
Республика ДСЭМ ўта хавfli юқумли касалликлар бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

Юртимиз шифохоналарида

ТИЗИМДАГИ САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧЛАРИ



Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бутун дунёда аллергия касалликлар кўпайиши, шу касаллик туфайли ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларининг ортиб бориши боис, ички касалликлар таркибидан аллергия фани ажралиб чиқди ва шу даврдан бошлаб ихтисослашган аллергия тиббиёт ёрдами шакллана бошлади. Ўзбекистонда аллергия соҳаси ривожланишининг биринчи босқичи асосан 1980 йилда Республика аллергия маркази Тошкент тиббиёт академияси қошида ташкил қилиб, фаолият бошлади. Республикада биринчи ихтисослашган аллергия хизмати ана шу 1980 йилдан кўрсатила бошланган. Ҳозирги кунда Республика илмий ихтисослашган аллергия маркази нафақат юртимизда, балки барча ҳамдўстлик мамлакатларида, қолаверса хорижий давлатлар орасида ўз нуфузига эга бўлиб келмоқда.

Марказимизда илмий тадқиқотлар, мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, ихтисослашган аллергиялогик ёрдам кўрсатиш бўйича асосий фаолиятлар йўлга қўйилган. Бунинг баробарида марказимиз республикамиз аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси бўлиши билан бир вақтда, бар-

рида аллергиялогия хизмати республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида кенг йўлга қўйилган.

Шифо масканимизда асосан ўпка аллергия касалликлари этиологияси, учраши, тарқалиши, клиникасининг таҳлили, тадқиқоти, республика бўйича, жойларда ихтисослашган аллергиялогия хизмати кўрсатишни ташкил қилиш учун соғлиқни сақлаш ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш, клиник аллергиялогия бўйича врачларни бирламчи мутахассисликка тайёрлаш, энг кўп тарқалган аллергиялар диагностикаси ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, клиник аллергиялогияда долзарб масалалар бўйича услубий қўлланмалар чоп этиш, республика тиббиёт муассасаларида режали ва шошилиш консултациялар кўрсатиш, аллергия беморларни стационар ва амбулатор шaroитларида даволаш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни тарғиб қилиш, хусусан аллергия касалликлар профилактикаси тўғрисида, астма мактабларининг аҳолига тушунтириб билиш вазифалари муҳим ҳисобланиб, бу борадаги фаолиятлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Яна шуни таъкидлашим муҳимки, юқорида айтиб ўтган тўрт бўлинманинг ўзаро узвий боғлиқлиги: (ташқилий, илмий, даволаш, педагогика) энг кўп тарқалган ал-

тарқалиши, касалланиш даражаси, диспансер кузатуви, профилактик тиббий кўриклар ўтказиш, аллергия ва бронхиал астма касалликларининг энгил босқичларида эрта аниқлаш мақсадида катта шаҳарларда, вилоят марказларида аҳоли сони, касалланиш даражаси ҳисобга олиниб, 20-40 ўринли бўлимлар ташкил этилган.

Марказимизнинг поликлиника бўлими асосан, даволаш-диагностика ишларини бажаради. «СКАЛ» – махсус курсли амбулатор даво принципида ишлайди. Беморларнинг амбулатор қабули ва давоси асосан тўрт мутахассислик бўйича амалга оширилади – терапевт, отоларинго-



кўпчилиги юқори малакали мутахассислар бўлиб, марказда махсус тайёргарликдан ўтишган. Шунингдек, республика санитар-авиация тизими бўйича доимий равишда шошилиш чакрувларга чиқилиб, фуқароларга консултатив ёрдам кўрсатилади ва марказ базасида ҳар йили клиник аллергиялогия бўйича врачлар малака оширадilar. 1992 йилдан биринчи мартаба марказ базасида Тошкент тиббиёт академияси талабалари учун клиник аллергиялогия курси очилди, бу ўз навбатида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда ва аллергия беморларга ёрдам кўрсатишда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон аллергиялогларининг халқаро алоқалари XX асрнинг 80-йилларида кенгайди ва мустақамлалик бормоқда. Москва, Бишкек, Испания, Португалия, Швеция олимлари билан ҳамкорлик ишлари тўғри йўлга қўйилган. Фаолиятларимизнинг эътирофлиси шундаки, республикамизда илмий тадқиқотлар ривожланишида Москва шаҳрининг Пульмонология илмий-текшириш институти, академик А. Чучалин раҳбарлигидаги илмий ходимлар билан алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Витебск шаҳрида ўтказилган халқаро аллергиялоглар конференциясида ва Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтказилган симпозиумда марказимиз етакчи марказлардан

лог, дерматолог, офтальмолог. Махсус вакцина диагностика ва даво вилоятлардан келган атопик беморларда ўтказилади.

Стационарда сурункали респиратор аллергиялар билан даволанаётган беморларнинг асосий даволаш усули ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган янги усул – аллергия аэрозоли билан гипосенсибилизация ўтказишга асосланган. Махсус диагностика ва даво учун 100 га яқин турли хил аллергиялар: маиший, ўсимлик чанглари, бактериял, замбуруғлар, эпидермал – озик-овқатлардан тайёрланган аллергиялардан фойдаланилади. Ундан ташқари, иммунологик, функционал ва бошқа текширувлар ҳам ўтказилади.

Барча вилоятларда аллергия кабинетлар ишламоқда ва республика бўйича 225 ўрин-жой аллергия беморлар учун ажратилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолига 105 нафар врач-аллерголог тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг

деб тан олинган.

Илмий фаолиятлар тўғри йўлга қўйилганлиги боис, Ўзбекистон шароитида бронхиал астма ва поллинозларнинг кечиши темасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар аллергия соҳасида бронхиал астма ва аллергия ринит муаммоларига бағишланган. Биринчи бўлиб бизнинг регионда бронхиал астманинг ўзига хослиги таърифлаб берилди, полиаллергия ривожланишининг янги механизми ва ҳамкор аллергия реакциялар классификацияси ишлаб чиқилди. Марказимиз ходимлари ўз тадқиқотларида асосий эътиборни респиратор аллергияларнинг регионал хослиги, функционал диагностикаси ва махсус давоси, хусусан, аллергиявакцинациянинг поливалент сенсибилизациядаги муаммоларига қаратганлар. Бундан ташқари, «Аллергия ва астма» мактабида беморлар ва уларнинг оила аъзоларини ўқитишда, касалликнинг бошланғич даврида бирламчи даволашда ва профилактикаси бўйича самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мутахассисларимиз ҳамкорлигида 6 мартаба илмий-амалий конференция, халқаро иштирокчилар билан «Бронхиал астма диагностикаси ва давоси» миллий дастури ишлаб чиқилди, 7 та вилоятда «Аллергия ва астма» мактаби ташкил этилди. Муассасамизнинг илмий ютуқлари клиник аллергиялогия соҳасида нафақат республикамизда, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида, қолаверса, хорижий мамлакатларда ҳам тан олинмоқда ва ходимларимиз Европа аллергиялоглар Академияси, клиник иммунологлар ва Европа респиратор жамияти конгрессларида фаол иштирок этмоқдалар.

Бўлиб ўтаётган ушбу конференциямиз «Аллергия хасталикларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш борасида замонавий муаммолар» мавзусига бағишланган бўлиб, олдимизда турган вазифаларимиз ва ечимини кутаётган муаммоларимизни бартараф этишга қаратилган.

Мақсадимиз инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилиш экан, бу борадаги фаолиятларни янада ривожлантириб, янгилик ва изланишлар сари муҳим қадам ташлаб, тиббиётимиз равнақини кўтаришда ўз меҳнатимизни аямас.

Озод НАЗАРОВ,

Республика илмий-ихтисослашган аллергиялогия маркази директори, профессор.



ча даволаш-профилактика муассасаларига ташқилий-услубий томондан ҳам катта ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Муассасамиз поликлиника, ихтисослашган аллергиялогия бўлимлари (40 ўринга эга) ва аллергиялогик лабораториялардан иборат бўлиб, улар қато-

алергия касалликлар профилактикаси бўйича ишларни амалга оширишда кенг имконият яратади.

Шунингдек, республикамизнинг ҳар бир вилоятида аллергиялогия кабинетлари ишлаб турибди, улар қуйидаги вазифаларни амалга оширади: жойларда аллергия касалликларнинг

Научные изыскания

НОВЫЕ ИГРОКИ В ПАТОГЕНЕЗЕ АСТМЫ

Астма является гетерогенным воспалительным заболеванием воздушных путей, характеризуемым хроническим воспалением, гиперактивностью воздушных путей и симптомами рецидивирующего кашля, причинами удушья и отдышкой.

Астма является значительной проблемой здравоохранения, поражающей 300 миллионов человек во всем мире, и ее распространенность значительно увеличилась в последние три десятилетия, особенно в Западных странах. Было ясно показано, что астма вызывается многочисленными факторами окружающей среды в сочетании с несколькими генами большой и малой чувствительности, что дает происхождение многим различным формам или фенотипам заболевания. Эти фенотипы включают аллергическую астму, самую распространенную форму заболевания, тяжелую устойчивую к стероидам астму, астму, вызванную загрязнителями воздуха, аспирином и физической нагрузкой. Глобальная инициатива по астме в 2005 г. классифицировала астму согласно степени тяжести заболевания, и от количества лечения, необходимого для достижения контроля симптомов и функции легких. Альтернативные методы классифицирования астмы основаны на клиническом проявлении. Клиническое проявление является прямым следствием природы и распространенности лежащего в основе воспаления воздуш-

